

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**6-сон**  
**(1078)**  
**2023 йил**  
**февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

37. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 февралдаги ЎРҚ–816-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

38. «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ–21-сон Фармони
39. «Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги ПҚ–46-сон қарори
40. «Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини жадал суръатларда ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилашга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 февралдаги ПҚ–50-сон қарори

41. «Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ–51-сон қарори
42. «2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ–52-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

43. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 6 февралдаги 2-мқ-сон «Патент эгасининг очиқ лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3418*)
44. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2022 йил 29 декабрдаги 34-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ шубҳали операциялар ҳақидаги хабар ва унга илова қилинадиган маълумотларнинг намунавий шакли ҳамда ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3419*)
45. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/18-сон «Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420*)
46. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/35-сон «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****37 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
9 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда  
маъқулланган

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишга, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхшилашга, шунингдек илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш орқали йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда автомобилотransпорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият олиб бориш соҳасида қонунчиликда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ўқитиш, назарий ҳамда амалий имтиҳонлар жараёнлари тизимида назорат қилиш бўйича ягона ваколатли давлат органини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини автомобилотransпорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни, шунингдек автомобилотransпорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш юзасидан хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатли орган этиб белгилашни назарда тутди.

Ушбу Қонун мамлакатимизда ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12,

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 февралда эълон қилинган.

691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар) **иловасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **21-банд** қуйидаги мазмундаги «**в**» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«

в) автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият	— БХМнинг 10 баравари
--	--------------------------

»;

2) **29-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

<b>29. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи:</b>	
нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият, бундан автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасидаги фаолият мустасно	— БХМнинг 10 баравари

».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-илованинг 1-позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Т/р	Лицензиянинг номи	Лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари	Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар
1.	Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолият учун лицензия	Мактабгача таълим хизматлари (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно);	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
		умумий ўрта ва ўрта махсус таълим хизматлари;	
		профессионал таълим хизматлари;	
		олий таълим хизматлари;	
		олий таълимдан кейинги таълим хизматлари;	
		автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

»;

2) **3-илованинг 13-позициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспек-

цияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 февраль,  
ЎРҚ-816-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **38** Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган солиқ ислохотларини изчил давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ҳамда 2022 йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг тадбиркорлик субъектларини қўйидаги мезонлар асосида тоифаларга ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) кичик тадбиркорлик субъектлари:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

микрофирмалар — таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар — жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда ушбу кичик банднинг учинчи хатбошисидаги таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

б) ўрта тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) йирик тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари.

Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бир йилда бир маротаба ўрта тадбиркорлик субъектларига мол-мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан ошмаган қисми қоплаб берилади;

б) жами даромади 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган тадбиркорлик

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 февралда эълон қилинган.

субъектлари учун давлат харидларида 20 фоизлик квота жорий этилади ва ушбу харидлар доирасида бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда 50 фоиз миқдоридан олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади.

Бунда, солиқ органлари томонидан жами даромади 10 миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади ва махсус ахборот портали билан маълумот алмашинуви таъминланади;

в) давлат харидларида энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдоларида иштирокчилар таклифларини баҳолашда қўшилган қиймат солиғи суммаси инобатга олинмайди;

г) юқори қўшилган қийматли мис маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорга сотиш билан боғлиқ харажатларини экспорт қийматининг 6 фоизигача қоплаш тартиби бекор қилинади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда ишончли солиқ тўловчиларни инсон омилсиз аниқлаш ва уларга давлат харидларида устунлик берилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмалар суммаларини «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ учун 10 миллиард сўм этиб қатъий белгиланган миқдорда ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Дори воситаларининг давлат соғлиқни сақлаш муассасаларига бепул берилиши ёки амал қилиш муддати қисқалиги сабабли нархи пасайтирилган қиймат бўйича реализация қилиниши иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажатлар (зарарлар) деб эътироф этилиши ва мос равишда фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар турларини аниқ белгилашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Қўшилган қиймат солиғини қоплаш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек, солиқни ноқонуний қоплаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2023 йил 1 октябрга қадар тажриба тариқасида товарларни (хизматларни) сотиб олиш ва (ёки) реализация қилиш билан боғлиқ битимларда иштирок этган контрагентлар — сотувчилар (хариддорлар) томонидан қўшилган қиймат солиғининг кам тўланганлиги (солиқ узилиши) аниқланганда, Солиқ қўмитасига мазкур контрагентларга нисбатан солиқ назорати тадбирларини тайинлаш ҳуқуқи берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йил 1 апрелга қадар тажриба доирасида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ узилишини аниқлаш ва қўллаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2023 йил 1 майдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станцияларида электрон ўлчаш ускуналари ва онлайн видео камераларини ўрнатиш ҳамда уларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш мажбурий ҳисобланади;

пахта хомашёси, ғалла ёки шolini қабул қилиш ва ҳисобини юритиш бўйича ахборот тизимларининг операторлари ўз тизимларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилишлари мажбурий ҳисобланади;

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун (олинган ҳақ, комиссия учун «0» сўм бўлган тақдирда ҳам) электрон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этади ва расмийлаштиради.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 февраль,  
ПФ–21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 февралдаги  
ПФ–21-сон Фармонида  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6098-сон Фармони билан тасдиқланган Реал вақт режимида идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати қуйидаги мазмундаги 16 — 19-позициялар билан тўлдирилсин:



«

16.	Реализация қилинган ёки ижарага берилган давлат мулки объектлари тўғрисида, шунингдек, давлат улушига тегишли соф фойдадан ҳисобланган дивидендлар ва ажратмалар тўғрисида маълумот	Давлат активларини бошқариш агентлиги
17.	Солиқ имтиёзларини қўлловчи иштирокчилар ва резидентлар тўғрисида маълумот	Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши назарда тутилган бирлашмалар, махсус иқтисодий зоналарнинг дирекциялари ва бошқа ташкилотлар
18.	Шахсларнинг пенсияга чиқиши тўғрисидаги маълумот	Пенсия жамғармаси
19.	Биллинг тизими орқали мижозлардан олинган тўловлар ҳақида маълумот	Электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматларини реализация қилувчи корхоналар

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони 7-банди «б» кичик бандининг биринчи хатбошиси «12 фоизгача ҳамда» сўзларидан кейин «2025 йилдан» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–165-сон Фармони 6-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридagi («Навий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖда 10 миллиард сўм қатъий белгиланган миқдордаги) ажратмалари ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари (кейинги ўринда — Жамғарма) ташкил этилади. Бунда:».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4348-сон қарорининг 6-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5011-сон қарорида:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 2-банди «в» кичик бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5252-сон қарори 1-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилади, бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан берилган харид чеклари мустасно».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–357-сон қарори 11-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларнинг учинчи шахсларга тақдим этилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 августдаги «Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 529-сон қарорида назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–471-сон қарори 16-бандининг иккинчи хатбошидаги «20» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги «Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 310-сон қарорига 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Идоралараро тариф комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

1. Ш.Д. Кудбиев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири, Комиссия раиси
2. А.И. Ахмедхаджаев — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3. Ш.С. Хидоятлов — Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
4. А.А. Муминов — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари
5. А.Н. Каримов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари
6. Ш.Ш. Шарахметов — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси
7. Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.»*

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 октябрдаги 877-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди «б» кичик банди ва Низомга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахслар томонидан ўзини ўзи банд қилган шахслардан харид қилинган товарлар (хизматлар) чеклари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**39** Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида\*

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020 — 2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва таклифларини амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим» Глобал форуми ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури (кейинги ўринларда — Миллий таълим дастури) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) (А. Саидов) Миллий таълим дастури ва «Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши юзасидан:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 февралда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб борсин;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотнинг расмий веб-саҳифаларда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб борилишини таъминласин;

хар олти ойда Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган маълумот киритиб борсин;

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ харажатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда — Марказ) Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан копланади.

4. «Йўл харитаси»да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ишчи органи — Марказга тақдим этиб борсин.

5. Олий Мажлис палаталарига Миллий комиссиянинг Миллий таълим дастури ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилсин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказ билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиладиган профессионал ва олий таълим ташкилотларининг аниқ рўйхатини шакллантирсин ҳамда тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили:

«Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар» миллий танлови ўтказиб борилади;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади.

Марказ:

а) уч ой муддатда:

Миллий танловни ўтказиш бўйича Низом ва дастурни ишлаб чиқсин ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, тасдиқласин;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида тегишли ташкилотлар-

да ўқув курслари ва семинар-тренинглари ўтказиш бўйича режа-графикни тасдиқласин;

б) 2023 йил 1 апрелга қадар:

«Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Инсон ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари» туркум қўлланма ва рисолаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиб, ишга туширсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Марказга Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

8. 2023 йил 1 мартдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари доимий равишда ташкил этилсин.

Марказ ва Бош прокуратура:

мазкур ўқув курсларини ташкил этиш учун масъул этиб белгилансин; икки ҳафта муддатда қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш графигини тасдиқласин.

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О. Хасанов) Давлат бошқаруви академияси (А. Бекмуродов) билан биргаликда:

2023 йил 1 майдан бошлаб раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари (соатлари)ни жорий қилсин. Бунда, мазкур ўқув курсларини Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформаси орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

2023 йил 1 апрелга қадар Марказ билан биргаликда соҳаларнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича ўқув курслари модули ва дастурини ишлаб чиқсин.

10. Миллий комиссиянинг:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар йўналишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказлари фондини Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалар билан доимий таъминлаб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Марказ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини:

халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги нусхалари;

инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар;

инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотлар бўйича юритилаётган хронология материаллари билан тизимли равишда таъминлаб борсин.

12. Марказнинг жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизда «Инсон ҳуқуқлари» ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ:

а) бир ҳафта муддатда «Инсон ҳуқуқлари» ҳафталигини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда давлат таълим муассасаларида:

«Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги» доирасида ўтказиладиган тадбирларда «Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» мавзусига алоҳида эътибор қаратилиши;

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган кўрик-танловларда аёллар, бола ва ёшлар ҳуқуқлари масалалари қамраб олиншини таъминласин;

в) Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллаларда ёшлар иштирокида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусида турли даражадаги маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувларнинг ўтказилиши, шу жумладан уларнинг видеоконференцалоқа орқали Марказ ходимлари иштирокида ташкил этиш;

г) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) билан биргаликда «Инсон ҳуқуқлари» ҳафталигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

13. «Эл-юрт умиди» жамғармаси очиқ стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш ҳамда малака ошириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларини тузишда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича буюртмачи вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш. Қудратхўжаев):

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тушунтирилишини;

Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Марказ директори А.Х. Саидов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 7 февраль,  
ПҚ-46-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 7 февралдаги  
ПҚ-46-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни такомиллаштириш юзасидан муҳим қадамлар қўйилмоқда.

2020 — 2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу босқич ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш ҳамда инклюзив, тинч ва осойишта жамиятни яратишга имкон берувчи таълим беришга қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2019 йил 15 июлда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ва унинг ижроси юзасидан «йўл харитаси» қабул қилинди.

Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ва баҳолаш тартиби ўрнатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳузурида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимлари учун инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, шунингдек, ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари» (юридик фанлар, социология фанлари) ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим институти ташкил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасаларини аҳоли ўртасида умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиш тамойилларини оммалаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этиш зарурати юзага келди.

Олий таълим муассасаларида, академик лицей ва техникумларда инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқларига оид ўқув курслари ва



дарсликлар жорий этилганлик ҳолати ҳамда мазкур мавзуларнинг ўқитилиш сифатини ўрганиш мақсадида мониторинг ўтказилди. Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларида «Инсон ҳуқуқларини ўрганиш» махсус ўқув курсини ўқитиш тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, молиялаштириш масаласи ҳал қилинмаганлиги сабабли фанлар мутахассис бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўқитилмоқда.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат ҳиссининг шаклланиши, халқаро ташкилотлар тавсияларининг бажарилиши учун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари бўйича малакасини ошириш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозим.

Халқаро ҳужжатлар доирасида мамлакатимиз зиммасига олган мажбуриятларни, шунингдек, пандемия ва унинг оқибатлари натижасида юзага келган таҳдидлар ва муаммоларни инobatга олиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида, ўзида янги ёндашувларни, янги методологияларни ва амалиётни акс эттирган инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Соҳадаги камчиликлар мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, уларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат ҳиссининг шаклланишига, давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларининг ошишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини қабул қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу Миллий таълим дастури инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот бериш, маърифат ва ўқитиш тизимини босқичма-босқич кенгайтириш ва такомиллаштиришга, кадрлар тайёрлаш тизимини миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар талаблари асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

## **2-боб. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурининг асосий мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурининг (кейинги ўринларда — Миллий таълим дастури) асосий мақсади — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги Декларацияси қоидалари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш, шунингдек, аҳоли барча қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги миллий ва халқаро стандартлар тўғрисида хабардорлигини, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишдан иборатдир.

Қуйидагилар Миллий таълим дастурининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини ошириш;

давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида хабардорлигини ошириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш;

замонавий технологиялар, бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **3-боб. Миллий таълим дастурининг асосий йўналишлари**

1. Ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини ошириш йўналишида:

«Инсон ҳуқуқлари» ҳафталигини ўтказиш;

мутахассислик йўналишларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув дастурлар, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим йўналишида инновацион танловлар, ўқувчи ва талабалар учун ёзги мактаб, танловлар ташкил этиш, ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш.

2. Давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш йўналишида:

раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик масалалари бўйича ўқув курсларини (соатлари) жорий қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун инсон ҳуқуқлари, қийноққа қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари тўпламларини давлат тилида чоп этиш;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда иштирок этаётган давлат органлари ва ташкилотлар мутахассисларининг инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари бўйича малакасини мунтазам ошириб боришни ташкил қилиш.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш йўналишида:

педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида инсон ҳуқуқлари ўқув курсларини жорий қилиш;

ҳуқуқшунос-педагог таълим йўналишини ташкил этиш, шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ» магистратура мутахассислигини такомиллаштириш;

инсон ҳуқуқлари ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълимни такомиллаштириш;

инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари бўйича амалий, фундаментал ва инновацион илмий лойиҳалар танловларини ўтказиш;

инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари бўйича хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларнинг бакалаврият, магистратура ва докторантурасида мутахассисларни ўқитиш ҳамда малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

4. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида хабардорлигини ошириш йўналишида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича семинар-тренинглار ўтказиш;

аёллар ва бола ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий қилиш;

мигрантлар ҳуқуқлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун ўқув курслари ташкил қилиш.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш йўналишида:

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим йўналишида давлат гранти ва ижтимоий буюртмалар танловини жорий қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда туркум семинар-тренинг, давра суҳбатлари ўтказиш;

тадбиркорлар, фермерлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув курслари ташкил қилиш, туркум семинарлар ўтказиш;

касаба уюшмалари тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари масалаларида ўқув курслари ташкил этиш.

6. Замонавий технологиялар, бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бериш тизимининг самарадорлигини ошириш йўналишида:

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари учун бола ҳуқуқларини ўрганиш бўйича услубий қўлланма, кўргазмали материаллар яратиш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари миллий тизими ҳақида туркум радио ва теледастурлар, кўрсатувлар ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасига оид ижтимоий видео, аудио роликлар яратиш;

ахборот хизматлари ходимлари ва журналистлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари ташкил қилиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиш.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида:

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро анжуманлар ташкил этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**4-боб. Миллий таълим дастурини амалга ошириш,  
бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда молиялаштириш  
механизми**

Миллий таълим дастурини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари иштирок этадилар. Шунингдек, Миллий таълим дастурини амалга оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинади.

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия:

Миллий таълим дастурининг барча даражаларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

Миллий таълим дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида миллий ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилишни ташкил этади;

Миллий таълим дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан мулоқот ўрнатиш чораларини кўради;

Миллий таълим дастури ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотни ҳар чоракда эшитиб, танқидий муҳокама қилиб боради.

Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Миллий комиссиянинг ишчи органи — Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга тақдим этади.

Олий Мажлис палаталари вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий таълим дастури ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар олти ойда эшитиб, танқидий муҳокама қилиб боради.

Миллий таълим дастурининг тўлиқ ва тизимли амалга оширилиши семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар доирасида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамият тизимли равишда хабардор қилиб борилади.

Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг маблағлари, грантла-

ри ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

### **5-боб. Миллий таълим дастурининг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар**

Миллий таълим дастури доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

аҳолининг, айниқса, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилади, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти янада юксалади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг асосий тамойиллари ва услубларини ўзлаштириш ҳамда тўлиқ тушунишга кўмаклашилади;

аҳолининг турли гуруҳлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, гендер тенглик мазмун-моҳиятини тушунишга эришилади;

давлат органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини амалда қўллаш билим ва кўникмаларининг шаклланишига эришилади;

инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга эришилади;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги Декларацияси қоидалари қўлланилиши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилишига кўмаклашилади;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**40 Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини жадал суръатларда ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Тошкент шаҳри маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши даврида талафот кўрган маҳаллалардаги ички йўллар, пиёдалар йўлаклари, муҳандислик-коммуникация объектларини таъмирлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан Тошкент шаҳри маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши даврида талафот кўрган маҳаллалардаги ички йўллар, пиёдалар йўлаклари, муҳандислик-коммуникация объектларини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигига 584 миллиард сўм миқдорида фойсиз кредит ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, мазкур кредит маблағларининг 200 миллиард сўми 2023 йилнинг IV чорагида, 384 миллиард сўми 2024 йилнинг ҳар чорагида тенг улушларда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан Жамғармага қайтарилади.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган кредит маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласига қўшимча 1 миллиард сўмдан маблағ ажратсин.

Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликлари маҳаллалар раислари билан биргаликда маҳаллаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатларини халқ депутатлари туман Кенгашлари йиғилишида муҳокама қилиб, тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 февраль,  
ПҚ–50-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**41 Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш, тайёр мебель маҳсулотлари экспортини рағбатлантиришни кучайтириш, соҳага малакали кадрларни жалб этиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 февралдан 2024 йил 1 январга қадар:

тайёр мебель маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига хориждаги офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш харажатларининг бир қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб беришда мазкур нотурар жойлар майдонига қўйилган меъёр кўрсаткичи 100 квадрат метрдан 250 квадрат метрга оширилади;

йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортдан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган маҳаллий корхоналар томонидан инженер-технолог, лак ва бўёқ сепиш устаси, дизайнер каби хорижий мутахассислар жалб қилинганда, улар иш ҳақининг 25 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 9 баробаридан кўп бўлмаган қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Бунда, хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатлари экспорт ҳажми ҳар чоракда 1 миллион доллардан ортган корхоналарга чорак якуни билан келгуси ойнинг 10-санасигача тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги «Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5155-сон қарорига 2-иловада назарда тутилган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкалари қўлланилиши 2024 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

3. 2023 йил 1 февралдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1-иловага мувофиқ мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.

4. Сув ҳўжалиги вазирлигининг Фарғона вилояти, Фурқат тумани Қўқонбой маҳалласидаги сув ҳўжалиги биносини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Фарғона вилояти ҳокимлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бинони маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан қайта таъмирлаш, инфратузилма, ахборот-кутубхона

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 февралда эълон қилинган.

маркази, асбоб-анжомлар, моддий-техника ва хом ашё базаси билан таъминлаш ҳамда ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, зардўзлик ва наққошлик каби миллий ҳунармандчилик соҳасига ихтисослашган замонавий умумтаълим мактабини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашига таклиф киритиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги «Республика хуудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5155-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги икки ой муддатда: республикада фаолият кўрсатаётган мебелсозлик корхоналарини Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси томонидан тўлиқ қамраб олишни рағбатлантириш;

маҳаллий мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарни инвентаризациядан ўтказиш асосида уларнинг рўйхати, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, қувватлари ва бошқа кўрсаткичлари электрон базасини шакллантириш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 февраль,  
ПҚ–51-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 февралдаги  
ПҚ–51-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2024 йил 1 январга қадар божхона божининг ноль  
ставкаси қўлланиладиган, мебель ишлаб чиқаришда  
фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар,  
фурнитура ва аксессуарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН коди	Номи
1.	3208 90 990 0	Кимёвий модификацияланган табиий полимерлар асосидаги, диспергирланган ёки сувсиз муҳитда эритилган бўёқлар ва лаклар (жумладан эмал ва политуралар)
2.	5407 53 000 0	Мебель учун таркибида 85 мас.% ёки undan ортиқ полиэфир бўлган, текстурланган, турли рангдаги комплекс иплардан тайёрланган газлама
3.	7318 16, 7318 19, 7318 21, 7318 23, 7318 24	Қора металдан ишлаб чиқарилган гайкалар, бурама илгаклар, парчинлар, дублонлар, тиргаклар, шайбалар (пружинали) ва шунга ўхшаш бошқа буюмлар
4.	7320 20 810 8	Матрас ишлаб чиқариш учун қора металлдан тайёрланган сиқилиш натижасида ишлайдиган винтли пружиналар
5.	7326 20 000 9	Мебель учун қора металлдан ясалган симдан тайёрланган маҳсулотлар
6.	7604 21	Алюминий қотишмаларидан тайёрланган ичи бўш профиллар
7.	8302 60 000 9	Эшикларни автоматик ёпувчи қимматбаҳо бўлмаган металдан ясалган қурилмалар
8.	8305 20 000 0	Мебелларни қоплашда ишлатиладиган блокларда симли скобалар
9.	9401 91 000 9, 9401 99 000 9	Стуларнинг ёғочдан ишланган қисмлари (суянчиқ, тирсак асослари ва шунга ўхшаш қисмлар), кресло ва офис диванлари қисмлари
10.	9403 91, 9403 99	Бошқа мебеллар қисмлари

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 февралдаги  
ПҚ–51-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил  
21 июндаги «Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини  
ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги  
ПҚ–5155-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-бандда «2023 йил» сўзлари «2024 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) 3-позициянинг «Кичик саноат зонаси ташкил қилинадиган ҳудуд номи» устунидаги «Қашқар» МФЙ» сўзлари «Садда» МФЙ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

4.	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	«А. Навоий» МФЙ	1,3
4 <sup>1</sup> .		Жондор тумани	«Охших» МФЙ	1,8

»;

в) 13-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

13.	Фарғона вилояти	Бағдод тумани	«Мурувват» МФЙ	6,4
13 <sup>1</sup> .		Бувайда тумани	«Қўнғирот» МФЙ	8,8

»;

г) 15-позициянинг «Кичик саноат зонаси ташкил қилинадиган ҳудуд номи» устунидаги «Сарапаён» қишлоғи» сўзлари «Мадир қишлоғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2-илованинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2024 йил 1 январга қадар божхона божининг ноль  
ставкаси қўлланиладиган, мебель ишлаб чиқаришда  
фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар,  
фурнитура ва аксессуарлар  
РЎЙХАТИ».**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**42 2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Навоий вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бўш турган давлат активлари, мавжуд табиий ресурслар захиралари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидаги ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қиймат занжирини яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш орқали вилоятни «камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд»га айлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Навоий вилоятини 2023-2024 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш;

фойдаланилмаётган давлат активлари ҳамда мавжуд табиий ресурслар захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

маҳаллалар ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида микромарказларни ташкил этишни янада жадаллаштириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш.

2. Қуйидагилар:

2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

2023 йилда Навоий вилояти аҳолиси бандлигини таъминлаш бўйича тармоқлар ва соҳалар кесимида режа-график 2-иловага\*\* мувофиқ;

муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

ижтимоий соҳа объектларининг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхати 4-иловага\*\* мувофиқ;

Хатирчи туманида муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхати 5-иловага\*\* мувофиқ;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 февралда эълон қилинган.

\*\* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Хатирчи туманида ижтимоий соҳа объектларининг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхати 6-иловага\* мувофиқ;

ирригация ва мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш тадбирларининг манзилли рўйхати 7-иловага\* мувофиқ;

қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва хом ашё захираларини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 2023 йилда инвестиция мажбурияти билан аукцион савдоларига чиқариладиган захираларга эга 18 та ер қаъри участкалари рўйхати 8-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда саноат, хунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида ташкил этиладиган микромарказларнинг манзилли рўйхати 9-иловага\* мувофиқ;

2023-2024 йилларда жами 29,6 гектар ер майдонида янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарининг манзилли рўйхати ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури 10, 10а-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорга 8-иловада келтирилган захираларга эга 18 та ер қаъри участкаларининг 2023 йил 1 июнга қадар аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 10а-иловага мувофиқ тасдиқланган дастур бўйича:

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш Навоий вилояти маҳаллий бюджети ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилоти белги-ланган тартибда аниқланади;

объектларни молиялаштириш кичик саноат зоналарининг бош режалари ишлаб чиқилганидан сўнг белгиланган тартибда таъминотчи ташкилотлар томонидан берилган техник шартлар асосида ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Навоий вилояти ҳудудида оммавий савдоларга чиқарилиб, узоқ муддатдан буён сотилмай турган, бошланғич қийматини 50 фоизгача қадам-бақадам пасайтириш механизми қўлланиладиган давлат активлари рўйхати 11-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Навоий вилояти туманларида кичик саноат зоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекслари ва бошқа саноат объектларини барпо этиш мақсадида 12-иловага\* мувофиқ захира ерлари ҳисобланган жами 543,3 гектар, шундан 13,0 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан са-

\* 6 — 12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ноат, транспорт, алоқа, муҳофизат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 12-иловада белгиланган ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши муносабати билан ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Навоий вилояти ҳокимлиги:

ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни белгиланган тартибда қопланишини;

мазкур қарорга 12-иловага мувофиқ тоифаси ўзгартирилган ер участкалари белгиланган тартибда реализация қилинишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 5 047 гектар ер майдонини 2023 йилда қайта фойдаланишга киритишнинг мақсадли кўрсаткичлари 13-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда Навоий вилоятида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари ва улардан фойдаланиш йўналишлари 14-иловага\* мувофиқ;

Навоий вилояти ҳудудидаги яйловлар ва сув таъминоти оғир бўлган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг манзилли рўйхати 15-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда сув тежовчи технологияларнинг жорий қилиниши, лазерли текислаш тадбирларининг амалга оширилиши ҳамда фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларининг қайта фойдаланишга киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги «Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–373-сон қарорига мувофиқ 2023 йилда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган 3 195 гектар экин майдонлари 16-иловага\* мувофиқ аҳолига очиқ электрон танлов орқали ижарага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдонларига «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида маҳаллаларнинг ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда экилишини;

2023 йилда аҳолига очиқ электрон танлов орқали ижарага бериладиган ер майдонларида экинларни экиш ва ҳосил олиш ҳисобининг юритилишини;

деҳқон хўжаликларига илғор технологиялардан фойдаланиш ҳамда

---

\* 13 — 16-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

деҳқончиликда самарали натижаларга эришишда кўмаклашиш ва ўқув семинарлари ташкил этилишини;

қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлган ер эгаларига суғориш воситаларини харид қилиш, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидиялар ажратилишини;

иссиқхона тармоғи кенг ривожланган туманларда деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган экин майдонларида иситиш тизимларини ўрнатмасдан энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига имтиёзли кредит маблағларининг ажратилишини таъминласин.

12. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари 2023 йил давомида Навоий вилоятига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 780 миллиард сўм кредит ресурсларини ажратсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар Навоий вилоятида 2023 йилда аҳолига янги деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун очик электрон танлов орқали ижарага берилиб, ер участкасига ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган экин ерлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

14. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Навоий вилоятида 2023 йил давомида умумий инвестиция қиймати қарийб 5 трлн сўм ва яратиладиган янги иш ўринлари 5 мингга яқин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантириб, Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорга 5 ва 6-иловаларга мувофиқ Хатирчи туманида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларини 2023 йил республика бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирсин.

Бунда, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» Инжиниринг компаниясини буюртмачи этиб белгилаш ҳамда буюртмачи, бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотларига қурилиш-монтаж ишлари учун асосланган ҳисоб-китобларга кўра 30 фоиз аванс ажратишга, истисно тариқасида, розилик берилсин.

16. Хатирчи туманида мавжуд узумзорлардан самарали фойдаланиш ҳамда янги узумзорлар ташкил этиш мақсадида:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда намуна тариқасида Хатирчи туманида:

2023 йил якунига қадар «Бахшижар» МФЙ ҳудудида салоҳиятли тадбиркорларни жалб қилган ҳолда уларнинг ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобига жами 200 гектар ер майдонида кооперация усулида узумчилик плантацияларини ташкил этсин;

лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда узум кўчатлари ҳосилга киргунга қадар келгуси уч йил давомида агротехник талаблар асосида қатор ораларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Кадастр агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда 200 гектар ер майдонларида ташкил этиладиган узумзорларни аҳолига белгиланган тартибда иккиламчи ижарага бериш чораларини кўрсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Кадастр агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Хатирчи туманида мавжуд узумзорларни ҳар бир фермер хўжаликлари кесимида яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасизларини аниқлаш бўйича хатловдан ўтказсин ҳамда узумзорлар ҳолати, узум навлари, узумзорларнинг барпо қилинган вақти ва бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олган ягона электрон реестрни шакллантирсин;

г) Сув хўжалиги вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда узум плантацияларида ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан артезиан қудуқлари ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос ва қувурлар, сув сақлаш учун мавжуд сифимларни хатловдан ўтказиш ҳамда яроқсизларини таъмирлаш чораларини кўрсин;

д) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

туманнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган узум навларини жойлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқсин ҳамда ҳудуд аҳолиси кўникмасини ошириш мақсадида, амалда экиш жараёнини кўрсатган ҳолда уларни ўқитсин;

ташқи бозорларда талаб юқори бўлган узум навларини жойлаштириш ва етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқсин;

хатлов натижасида аниқланган яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз фойдаланилаётган узумзорларда ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳамда узумчилик хўжалигида илмий ютуқлар, илғор инновацион ишланмалар ва замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан томчилатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда босқич-ма-босқич, хусусан, биринчи йил намуна тарзида ушбу майдонларнинг 50 фоиз қисмида хўраки ва кишмишбоп узум навларини пайвандлаш ва янгидан кўчатлар экишни ташкил этсин;

узумнинг хўраки ва кишмишбоп навли узум плантацияларини кенгайтириш, узумчилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш орқали ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўрсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Хатирчи туманидаги мавжуд 3 минг гектар яйлов ер майдонларини ўзлаштириш ва унинг негизида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган кластерларни ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, яйловларни ўзлаштириш харажатлари Навоий вилояти маҳаллий бюджети ҳисобидан қопланади.

18. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар Нурота касб-хунарга ўқитиш маркази, Хатирчи уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ва Навбаҳор тумандаги Навбаҳор сув хўжалиги ва мелиорация коллежининг бўш турган қисмида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида мономарказлар ташкил этиб, хорижий мутахассисларни жалб қилсин ва камида 2 минг нафар ёшларни замонавий касб-хунарга ўқитсин.

19. Навоий вилояти ҳокимлиги икки ой муддатда Зарафшон шаҳрини келгусида ривожлантириш мақсадида, аҳоли турар жой массивларини барпо этиш ҳамда саноат корхоналарини жойлаштириш учун Зарафшон шаҳри ҳудудини Томди тумани ҳудуди ҳисобидан кенгайтиришга қаратилган чегараларни ўзгартириш юзасидан таклифни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, Томди тумани ҳудудидан Зарафшон шаҳри ҳудудига қўшиб берилаётган яйловлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилиши инobatга олинсин.

20. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПҚ–331-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда саноат, хунарамандчилик, касаначилик ва чорвачилик йўналишларида ташкил этиладиган микромарказларнинг манзилли рўйхати «VI. Навоий вилояти» бўлимининг «Микромарказларни ишга тушириш муддати» устунидаги «2022 йил ноябрь», «2022 йил декабрь» сўзлари «2023 йил октябрь», «2023 йил ноябрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Навоий вилояти ҳокими Н.Т. Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 февраль,  
ПҚ–52-сон



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****43 Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақида-  
ги аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги  
маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3418*

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 февраль,  
2-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 6 февралдаги  
2-мх-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги  
аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги  
маълумотларни эълон қилиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларига асосан патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризасини (бундан буён матнда ариза деб юритилади) топшириш, кўриб чиқиш ҳамда ушбу ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ахборот тизими** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Саноат мулки муҳофазаси портали» бўлиб, бевосита ўзига ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган талабномаларни қабул қилувчи ва улар бўйича тегишли амалларни бажарувчи махсус тизим;

**Вазирлик** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

**патент эгаси** — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотига берилган патентнинг эгаси.

2. Патент эгасининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар Вазирликка Ахборот тизими орқали топширилади.

3. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотидан фойдаланишга ҳуқуқ бериш тўғрисидаги лицензия шартномаси Вазирликда рўйхатга олинган бўлса ҳамда ушбу лицензия шартномасида патент эгаси шартноманинг амал қилиш муддати давомида лицензия бериш ҳуқуқига эга бўлмаслиги белгиланган бўлса, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти бўйича ариза топширилмайди.

4. Топширилган ариза чақириб олинмайди.

5. Ариза топшириш билан боғлиқ ишлар патент эгаси, ваколатлари ишончнома билан тасдиқланган вакил ёки патент вакили томонидан амалга оширилиши мумкин.

6. Ариза тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланади.

## **2-боб. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни топшириш**

7. Ариза давлат тилида топширилади. Ариза топширишда патент эгаси томонидан мазкур Қоидаларнинг иловасига мувофиқ шаклдаги аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

вакил ёки патент вакили ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома (ариза вакил ёки патент вакили томонидан топширилганда);

патент эгалари бир нечта бўлган ҳолларда, уларнинг аризани топшириш ҳақидаги розилиги аризага илова қилинади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан патент божи тўланганлиги Вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Белгиланган миқдордаги патент божи тўланмаган тақдирда, аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

8. Ариза битта патентга тегишли бўлиши керак.

Ариза Ахборот тизими орқали тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи томонидан маълумотлар тўғри ва тўлиқлиги текширилади ҳамда тасдиқланади.

Юридик шахс номидан топшириладиган ариза ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

Ариза вакил ёки патент вакили орқали топширилганда, ариза патент вакили ёки ишончли шахс томонидан тасдиқланади.

9. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар хорижий тилда бўлганда, уларнинг давлат тилидаги таржималари илова қилиниши керак.

## **3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш**

10. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида Вазирлик мазкур Қоидаларнинг 2-бобига мувофиқ тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлигини текширади.

11. Мазкур Қоидаларнинг 2-бобига мувофиқ тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ёки ҳужжатлар мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланганда, ариза берувчига шу куннинг ўзида Ахборот тизими орқали билдиришнома юборилади. Билдиришномада аниқланган камчиликлар кўрсатилади ва ариза берувчига билдиришнома юборилган кундан эътиборан уч ой ичида ушбу камчиликларни бартараф этиш (етишмаган ёки тузатилган маълумотлар ёхуд ҳужжатларни тақдим этиш) таклиф қилинади.

Бунда, аризани кўриб чиқиш бўйича белгиланган муддатнинг ўтиши аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилгунга (етишмаган ёки тузатилган маълумотлар ёхуд ҳужжатлар тақдим этилгунга) қадар, бироқ ариза берувчига билдиришнома юборилган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатгача тўхтатиб турилади.

12. Такдим этилган хужжатлар мазкур Қоидалар талабларига мос келган ҳолларда, Вазирлик ариза берувчини унинг аризаси қабул қилинганлиги тўғрисида Ахборот тизими орқали хабардор этади. Ариза тўғрисидаги маълумотлар қандай объектга нисбатан топширилганига қараб, тегишли ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларининг давлат реестрларига киритилади.

13. Такдим этилган хужжатлар мазкур Қоидалар талабларига мос келмаган, шунингдек аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда тўлиқ бар-тараф этилмаган ҳолларда, Вазирлик ариза берувчига аризани қабул қилиш рад этилгани тўғрисида асосларини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборади.

14. Расмий ахборотномада ариза тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар эълон қилинади:

патент рақами;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотининг рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган расмий ахборотноманинг сони ва йили;

Халқаро патент классификацияси (ХПК) / Саноат намуналарининг халқаро классификациясининг (СНХК) индекси (ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан кўрсатилади);

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотининг номи;

патент эгаси;

ёзишма учун манзил.

15. Вазирлик ариза тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган кундан эътиборан 3 кун муддатда ариза берувчига тегишли ёзув киритилган «Патентга илова»ни юборади.

□

Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларига  
ИЛОВА

### Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш тўғрисидаги АРИЗАСИ

Патент эгаси ҳар бир шахсга қуйидаги интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини беради (кераги белгилансин):

- |  |                                       |
|--|---------------------------------------|
| <input type="checkbox"/> ихтиро          | <input type="checkbox"/> ўсимлик нави |
| <input type="checkbox"/> фойдали модел   | <input type="checkbox"/> ҳайвон зоти  |
| <input type="checkbox"/> саноат намунаси |                                       |

---

(ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотининг номи)

патент рақами \_\_\_\_\_

эълон қилинадиган ёзишмалар учун манзил \_\_\_\_\_

---

Илова қилиб бириктирилаётган ҳужжатлар (кераги белгилансин):

- вакил ёки патент вакили ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома;
- бошқа патент эгаларининг аризани топшириш ҳақидаги розилиги (бир нечта патент эгаси бўлган тақдирда).

Патент эгаси

(Ф.И.О., лавозими)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 6 февралдаги  
2-мх-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2006 йил 21 сентябрдаги 56-сон «Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1629, 2006 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 420-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 28-сон «Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1629-1, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 423-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**44** **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ шубҳали операциялар ҳақидаги хабар ва унга илова қилинадиган маълумотларнинг намунавий шакли ҳамда ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3419*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ шубҳали операциялар ҳақидаги хабар ва унга илова қилинадиган маълумотларнинг намунавий шакли ҳамда ҳужжатлар рўйхати иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банки, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 декабрь,  
34-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 февралда эълон қилинган.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилди:

*Молия вазири*

2022 йил 15 декабрь

**Т. ИШМЕТОВ**

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

2022 йил 13 декабрь

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*Марказий банк раиси*

2022 йил 15 декабрь

**М. НУРМУРАТОВ**

*Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги директори*

2022 йил 7 декабрь

**Д. ЛИ**

*Монополияга қарши курашиш  
қўмитаси раиси*

2022 йил 7 декабрь

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

*Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори*

2022 йил 10 декабрь

**А. ОРТИКОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**45** Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорга 1-илованинг 8-банди биринчи хатбошиси 2023 йил 1 майдан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 январь,  
30/18-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакили*

**Д. КАСИМОВ**

*2023 йил 4 январь*

*Савдо-саноат палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2022 йил 30 декабрь*

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
4 январдаги 30/18-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома банклар томонидан резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган жисмоний шахслар (бундан буён матнда яқка тартибдаги тадбиркор деб юритилади), деҳқон хўжаликлари, юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиалларига банк ҳисобварақларини очиш, уларни юритиш ҳамда ёпиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**банк ҳисобварағи** — банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

**талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ** — мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

**жамғарма депозит ҳисобварақ** — бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

**муддатли депозит ҳисобварақ** — шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

**металл ҳисобварақ** — банклар томонидан мижозларга қимматбаҳо металллар билан операцияларни амалга ошириш ва уларни ҳисобини юритиш учун очиладиган ҳисобварақ;

**вакиллик ҳисобварағи** — банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ёки бошқа банкда очилган, банклараро тўловларни ўтказишга ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга мўлжалланган ҳисобварағи;

**Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси** (бундан буён матнда БДМАБ деб юритилади) — банклар томонидан мижозларга банк ҳисобварақлари очишда уларга хос рақам (мижоз коди) бериш, уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини қолдиқ маблағлари ҳақида маълумот сақламаган

ҳолда юритиш ҳамда мижозларга тегишли ҳисобварақлар тўғрисидаги маълумотларни олишни таъминлайдиган, Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош Маркази томонидан юритиладиган ахборотлар базаси.

2. Мижозлар банкларда қўйидаги турдаги банк ҳисобварақларини очишлари мумкин:

- а) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари;
- б) жамғарма депозит ҳисобварақлари;
- в) муддатли депозит ҳисобварақлари;
- г) металл ҳисобварақлари;
- д) вакиллик ҳисобварақлари;
- е) бошқа депозит ҳисобварақлари.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (бундан буён матнда асосий ҳисобварақ деб юритилади) ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади.

Ҳазна ижроси билан қамраб олинган ташкилотларга банкларда асосий ҳисобварақ очилмаган ҳолда тўлов терминаллари тушумлари, нақд пулдаги тўловлар, жамғарма ва муддатли депозитлар, банк корпоратив карталаридаги маблағлар ҳамда махсус мақсадли маблағлар ҳисобини юритиш учун, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда банк ҳисобварақлари очилиши мумкин.

4. БДМАБда банк ҳисобварақларини очиш, бошқа банкка ўтказиш, ёпиш, маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва уларни қайта тиклаш тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади ҳамда Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош Маркази томонидан шу куннинг ўзида мижозга хизмат кўрсатувчи банкларга ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига узатилади. Ушбу маълумотлар банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади ва банк томонидан ўзгартиришга рухсат этилмайди.

5. Мижозлар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк ҳисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати бўйича банк омонати шартномаси, вакиллик ҳисобварағи бўйича вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома) (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузилади.

Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги шартномалар ёзма шаклда, электрон шаклда ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали оферта шартномасини тасдиқлаш орқали тузилиши мумкин.

Шартномада банк мижознинг банк ҳисобварағига маблағларни қилиш ва ҳисобдан чиқариш, мижознинг банк ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги мижоз ҳамда банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақи миқдори ва бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларидан ҳужжатларга муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлашни талаб этиш тақиқланади.

Банклар томонидан ушбу Йўриқноманинг 2-бандида кўрсатилмаган, бироқ мижозларга банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ банк ҳисобварақларини (кредит (ссуда), лизинг, транзит ва бошқалар) очиш, юритиш ва ёпиш тартиби банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6. Мижозлар томонидан банк ҳисобварақлари очиш учун банкка мазкур Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай, уларга банк ҳисобварақлари очишлари шарт, бундан норезидент жисмоний ва юридик шахсларга банк ҳисобварағи очиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Банклар норезидент жисмоний ва юридик шахслар томонидан банкка ушбу Йўриқномада назарда тутилган барча ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, ўн беш кундан кечиктирмай уларга банк ҳисобварақлари очишлари шарт, бундан қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

Банк ҳисобварақлари очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзолар намуналари қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки юридик шахслар номидан вакил қилинган шахслар томонидан тақдим қилинади, таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга масофадан туриб банк ҳисобварағи очиш ҳолатлари бундан мустасно.

Банклар томонидан ушбу Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Мижозлар банк ҳисобварағи очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, банк мижозга банк ҳисобварағи очишни рад этишга ҳақли.

Крипто-биржада крипто-активлар савдолари иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахсларга банк ҳисобварағи очишда банклар ушбу норезидент юридик шахсларни ва уларнинг ҳисобварақларига кириш қилинадиган маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини «Ўз мижозингни бил» (КҮС, шунингдек е-КҮС) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимларига мувофиқ ўрганиши шарт.

8. Банклар Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, «Ўз мижозингни бил» (КҮС, шунингдек е-КҮС) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» (AML/CFT) тизимларига мувофиқ, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисобварақларини масофадан туриб очиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида тадбиркорлик субъектларига масофадан туриб банк ҳисобварағини очиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида ёки банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган банк ҳисобварағи шартнома офертасини акцептлаш йўли билан амалга оширилади.

Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисобварақлари масофадан туриб очилганда, улар номидан тўловларни (банк амалиётларини) амалга оширувчи шахслар белгиланган тартибда идентификация қилиниб, электрон рақамли имзоси ёки қўлда қўйилган имзолар намуналари электрон қурилмалар орқали олинганда, қоғозда имзолар намуналари қўйилган варақча талаб этилмайди.

9. Банк мижозлари бўлган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжалиklarининг банк ҳисобварақларини очиш учун асос бўлган барча ҳужжатлари ҳамда ушбу ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар нусхалари ҳар бир мижоз учун очилган юридик йиғмажилдларда сақланади.

Юридик йиғмажилдлардаги маълумотлар электрон шаклда банкнинг махсус дастурий таъминотлари орқали ҳар бир мижоз бўйича шакллантирилиши мумкин.

10. Банкларда мижозларнинг банк ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби электрон шаклда юритилади ҳамда унда қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

мижознинг номи;

юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркор ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиги учун — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

банк ҳисобварағи рақами;

банк ҳисобварағи очилган ва ёпилган сана;

банк ҳисобварағини ёпиш учун асос.

Банк ҳисобварақларини рўйхатга олиш китобида банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

## **2-боб. Банк ҳисобварақларини очиш тартиби**

11. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий ва чет эл валютасида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча;

мижоз номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси).

12. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан миллий ва чет эл валютасида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган варақча;

тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек юридик шахс номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси);

солиқ органларида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома).

13. Резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва (ёки) филиалларига талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун ваколатхона ва филиаллар томонидан банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва (ёки) филиалларининг илтимосномаси (илтимосномада «Солиқ тўловчининг идентификация рақами» ва «Хос рақами» (мижоз коди) кўрсатилган бўлиши шарт);

резидент юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва (ёки) филиаллари томонидан имзолар намуналари қўйилган варақча;

ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгиловчи ҳужжат ҳамда ваколатхона ёки филиал номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси).

14. Юридик шахслар устав капиталини шакллантириш учун давлат рўйхатидан ўтгунларига қадар таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) дастлабки бадалларини киритиш учун миллий ва/ёки чет эл валютасида 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи таъсисчилар (иштирокчилар) мурожаати асосида очилиши мумкин. Бунда, таъсисчилар (иштирокчилар) номидан вакил қилинган шахс томонидан банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган варақча;

таъсисчилар номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси).

15. Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин юридик шахсларга мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда асосий ҳисобварақ очилиб, 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағидаги маблағлар уларнинг топши-

риқлари асосида асосий ҳисобвараққа ўтказилади ва 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи ёпилади.

16. Фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга оширувчи норезидент юридик шахслар (дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган бошқа хорижий ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда доимий муассасалар), товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар, шунингдек крипто-биржада крипто-активлар савдолари иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахслар (бундан буён матнда норезидент юридик шахс деб юритилади) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

имзолар намуналари қўйилган варақча;

норезидент юридик шахс номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси);

норезидент юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг консуллик ёки нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;

товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахс ва биржа брокери ўртасида брокерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси;

ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар — норезидент юридик шахслар ва инвестиция воситачиси ўртасида брокерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси;

крипто-биржада крипто-активлар савдолари иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахс ва крипто-биржа ўртасида муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси.

Крипто-биржада крипто-активлар савдолари иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмга нисбатан расмий курслари белгиланадиган чет эл валюталарида банк ҳисобварақлари очилиши мумкин.

17. Резидент жисмоний шахслар томонидан миллий ва чет эл валютасида депозит, металл ҳисобварақлар очиш учун банкка ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси) шахсан тақдим қилинади, бундан мижозларни рақамли идентификация қилиш ҳолатлари мустасно.

Жисмоний шахслар ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахс сифатида банк ҳисобварағи очиш учун мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча тарзда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида

рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома нусхасини ҳам тақдим этадилар.

Норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий ва чет эл валютасида депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза, норезидент жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорти), норезидент жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлишини (яшашини) тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади.

Банклар норезидент жисмоний шахсларга банк ҳисобварағи очишда уларнинг Ўзбекистон Республикасида муқим (уч ойдан кам бўлмаган) даврга рўйхатдан ўтганлиги ва фаолият юритаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома, ишлаётганлиги ёки ўқиётганлиги, даромад манбаларини тасдиқловчи ҳужжатларни) талаб қилиши мумкин.

Резидент ва норезидент жисмоний шахсларга депозит ҳисобварақлари жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) асосида очилади.

18. Резидент жисмоний шахсларга рақамли идентификациялаш орқали банк ҳисобварағи очилганда, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш талаб этилмайди ҳамда банк ҳисобварағи очиш учун асос бўлган ҳужжатлар электрон шаклда сақланади.

19. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар банк ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкда иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит, металл ҳисобварақларини очиш учун ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилинади. Мазкур ариза электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин.

20. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар бошқа банкларда иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит, металл ҳисобварақларни очишда ҳам асосий ҳисобварақ очиш учун кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

21. Қайта ташкил этилган юридик шахслар асосий ва иккиламчи ҳисобварақлар очиш учун ушбу Йўриқноманинг мазкур бобида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этадилар.

22. Қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлар хўжалик юритувчи субъектларнинг аризаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ очилади.

23. Банк томонидан Марказий банк ёки бошқа банкда вакиллик ҳисобварағи очилаётганда, ушбу банклар ўртасида вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади.

24. Банк томонидан Марказий банкда ёки бошқа банкда миллий ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварағи очиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

банкнинг барча реквизитлари кўрсатилган ҳолда вакиллик ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган варақча.



25. Юридик шахс бўлган норезидент банклар (бундан буён матнда норезидент банк деб юритилади) томонидан банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

норезидент банкнинг тўлиқ номи ва уни рўйхатдан ўтказган давлатдаги юридик манзили кўрсатилган ҳолда вакиллик ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган варақча;

рўйхатдан ўтказган давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган лицензиянинг легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган нусхаси;

норезидент банк томонидан ва у рўйхатга олинган давлатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар қўлланилиши тўғрисидаги ахборот.

26. Янги ташкил этилаётган банк таъсисчилари томонидан банк устав капиталини шакллантириш ва банк рўйхатга олингунга қадар тўланадиган бож ва йиғимлар учун маблағ йиғиш мақсадида Марказий банк ёки тижорат банкида 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи банк таъсисчилари мурожаати асосида очилиши мумкин. Бунда, таъсисчилар томонидан банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;

имзолар намуналари қўйилган варақча;

мижоз номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси).

27. Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олингандан сўнг 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағидаги маблағлар белгиланган тартибда очилган вакиллик ҳисобварағига таъсисчиларнинг топшириғи асосида ўтказилади ва 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи ёпилади.

### **3-боб. Банк ҳисобварақларини юритиш тартиби**

28. Имзолар намуналари қўйилган варақча шакли, шунингдек тадбиркорлик субъектлари бўлмаган резидент юридик шахслар ва норезидент юридик шахслар томонидан тақдим қилинадиган имзолар намуналари қўйилган варақчалар сони банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Имзолар намуналари қўйилган варақчада қўйидагилар бўлиши керак:

мижознинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

имзо қўйиш ваколати берилган шахсларнинг — фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда уларнинг шахсан қўйилган имзоси;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларда муҳр мавжуд бўлиши талаб қилинган тақдирда — муҳр изи.

Имзолар намуналари қўйилган варақчада банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

29. Банклар томонидан таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси рези-

дентлари бўлган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисобварақларини масофадан туриб очишда, уларнинг имзо намуналари қўйилган варақчада кўрсатилган резидент жисмоний шахсларни идентификациялаш рақамли идентификациялаш орқали амалга оширилиши мумкин.

30. Имзо намуналари банк мижозининг шахсан ўзи томонидан қўйилиши шарт. Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси ногиронлиги бўлган шахс томонидан фақат, агар у ўзининг жисмоний нуқсонлари сабабли зарур ҳужжатларни имзолаш чоғида ўз қўли билан имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаса, қўлланилиши мумкин.

Имзо қўйиш ваколати берилган шахсларнинг имзолари банк ходими иштирокида қўйилади, бундан масофадан туриб банк ҳисобварағи очиш ҳоллари мустасно.

31. Раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бирортаси вақтинча ўзгарганда, вақтинча ваколат берилган шахснинг имзо намунаси қўйилиб, амал қилиш муддати кўрсатилган қўшимча варақча тақдим қилинади. Ушбу қўшимча варақча раҳбар томонидан имзоланади ва муҳрланади (тадбиркорлик фаолияти субъектларидан муҳр қўйиш талаб этилмайди).

32. Имзолар намуналари қўйилган варақчага юридик шахсларнинг асосий муҳри ёки юридик шахс филиалининг ёхуд ваколатхонасининг муҳр изининг намунаси қўйилиши шарт. Тўлов ҳужжатларига алоқадор бўлмаган, алоҳида мақсадлар учун муҳрлардан («Пакетлар учун», «Рухсатномалар учун», «Девонхона», «Маълумотлар учун», «Гувоҳномалар учун» кабилар) фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Муҳр алмаштирилганда ёки йўқолиб қолганда, биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқи берилган шахслар томонидан имзоланган илтимоснома асосида банк ваколатли ходими томонидан муҳр тайёрлатиш учун зарур бўлган муддат берилади. Ушбу муддат ўттиз календарь кундан ошиши мумкин эмас. Бир вақтнинг ўзида банкнинг ваколатли ходими (бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари) муҳр бўлмаган вақтда тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар муҳр изисиз топширилишига рухсат беради.

Мазкур банд талаблари тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

33. Банк ҳисобварағи эгаси ўз манзилининг ўзгарганлиги тўғрисида хизмат кўрсатаётган банкка беш иш куни давомида ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

34. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, норезидент юридик шахслар таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномасида, уставда) кўрсатилган маълумотлар (муассислар, аъзолар ёки бошқа маълумотлар) ўзгарган тақдирда, улар таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхасини уч иш куни ичида банкка тақдим қилади.

35. Банк ҳисобварағи бўйича операциялар фақат банк ҳисобварағи эгасининг фармойишига кўра ёки банк ҳисобварағидаги пул маблағлари тер-

говга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

36. Барча банк ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш бўйича сўров фақат асосий депозит ҳисобварағини очган банк томонидан қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардагина шакллантирилади.

37. Мижозлар уларга асосий ҳисобварақни очган банк орқали бошқа банкларда очилган ўзининг барча банк ҳисобварақлари ҳақидаги маълумотларни олишлари мумкин.

38. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида судгача санация қилиш, ташқи бошқариш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомиллари қўлланиладиган қарздор юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорнинг асосий ҳисобварағига мос равишда сўмдаги судгача санация, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилувчи махсус ҳисобварақ ёки ягона ҳисобварақ мақоми берилди.

Мазкур қонун талаблари асосида судгача санация, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилувчи махсус ҳисобварақ ёки ягона ҳисобварақдан фойдаланиш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

#### **4-боб. Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш ва банк ҳисобварақларни ёпиш тартиби**

39. Асосий ҳисобварақни бошқа банкда очиш учун мижоз томонидан мазкур Йўриқноманинг 2-бобида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинади. Ушбу ҳужжатлар асосида асосий ҳисобварақни очаётган банк мижозга 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи очади.

Мижоз томонидан банкка чек дафтарчалари ва тўлов терминаллари (мавжуд бўлса) қайтарилади, асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш учун ариза тақдим этилади ҳамда асосий ҳисобварақдаги қолдиқ маблағни асосий ҳисобварақ очилаётган банкдаги 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағига ўтказиш бўйича тўлов топшириқномаси тақдим этилади.

Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиётган банк қолдиқ маблағларни 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағига ўтказиш бўйича мижознинг тўлов топшириқномасини ижро этгандан кейин БДМАБга асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш бўйича сўров шакллантиради. Мазкур сўров уч иш куни давомида фаол бўлади. Ушбу муддат ичида асосий ҳисобварақ очилмаган тақдирда, асосий ҳисобварақни ёпаётган банк томонидан сўров такроран шакллантирилади.

Асосий ҳисобварақ очилаётган банкдаги 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағига маблағлар кирим қилингандан сўнг янги асо-

сий ҳисобварақ очилади. Бунда, 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағидаги маблағлар асосий ҳисобвараққа банк томонидан мемориал ордер билан ўтказилиб, 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи ёпилади.

Мижознинг асосий ҳисобварағи бошқа банкка кўчирилганда, унинг иккиламчи ҳисобварақлари ёпилмайди ва асосий ҳисобварақнинг назорат калитидан ташқари барча маълумотлар ўзгармаган ҳолда сақланади.

Ўтказилган асосий ҳисобварақ бўйича келиб тушган тўлов ва ижро ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилгач, улар янги асосий ҳисобварақ очилган банк (филиал) номи кўрсатилган ҳолда қайтариб юборилади.

40. Хўжалик юритувчи субъектларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида очиладиган қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлари ушбу қарорларда белгиланган вақтинча фойдаланиш муддати тугаган санадан кейинги иш куни ёпилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар қолдиги банк томонидан мемориал ордер билан хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига ўтказилади.

Бунда, ушбу ҳисобварақни ёпиш учун ариза олиш талаб этилмайди.

41. Шартнома миջознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда ёки унда кўрсатилган ҳолатлар юз берганда бекор қилинади. Шартноманин бекор қилиниши миջознинг банк ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

Шартнома суд орқали бекор қилинганда ҳам банк ҳисобварақлари ёпилиши мумкин.

42. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тадбиркорлик субъектлари давлат реестридан чиқарилган кундан эътиборан шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

43. Ихтиёрий тугатилаётган ва (ёки) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларини ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан амалга оширилади.

44. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугатилаётганда, уларнинг банк ҳисобварақларини ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида низомга асосан амалга оширилади.

45. Ушбу Йўриқноманин 43 ва 44-бандларида кўзда тутилмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тугатилаётганда, якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тўхтатилаётганда, улар томонидан хизмат кўрсатувчи банкка ариза билан мурожаат қилинади ҳамда фойдаланилмаган чеклар ва тўлов терминаллари (мавжуд бўлса) қайтарилади. Ушбу субъектларнинг

асосий ҳисобварағини ёпишдан олдин уларга очилган барча иккиламчи ҳисобварақлар уларнинг аризаси асосида ёпилади.

Мазкур субъектларнинг асосий ҳисобварағини ёпишдан олдин уларнинг солиқ қарзи мавжудлиги «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали текширилади. Солиқ қарзи мавжуд бўлганда, асосий ҳисобварақни ёпишга йўл қўйилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилган контрактлари бўйича қарздорликлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу қарздорликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 216-сон «Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимидан умидсиз қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилгандан сўнг асосий ҳисобварақ белгиланган тартибда ёпилади.

46. Банк ҳисобварақлари ёпилаётганда, банкнинг ваколатли ходими ёпилаётган банк ҳисобварағидан мижозга охириги марта кўчирма берилган кундан бошлаб ушбу банк ҳисобварағига киритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиклаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инobatга олган ҳолда чиқарилган охириги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва ёпилаётган банк ҳисобварағига тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Банк ҳисобварағи ёпилгандан сўнг, банк мижозга (мижоз тугатилганда — таъсисчиларга) барча тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

47. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари банкнинг вакиллик муносабатларини тўхтатиш тўғрисидаги аризасига кўра ёки банкларни тугатиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ёпилади.

### **5-боб. Якуний қоида**

48. Ушбу Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
4 январдаги 30/18-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 414-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 11 майдаги 18/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-1, 2010 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 163-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 14 мартдаги 7/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-2, 2014 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 14-сон, 159-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 20 сентябрдаги 32/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-3, 2014 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 40-сон, 503-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 28 декабрдаги 41/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-4, 2017 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 21-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-5, 2017 йил 4 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 628-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/9-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-6, 2018 йил 26 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2018 й., 10/18/1863-6/2118-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил

15 апрелдаги 7/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-7, 2019 йил 14 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 10/19/1863-7/3125-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1863-8, 2020 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 10/20/1863-8/0074-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 23 майдаги 16/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-1, 2009 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 26-сон, 300-модда).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-2, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 487-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 26 декабрдаги 38/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-3, 2010 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 35-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 24 июлдаги 25/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-4, 2010 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 38-сон, 337-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 23 июлдаги 22/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-5, 2011 йил 16 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 32-33-сон, 342-модда).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 10 сентябрдаги 26/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-6, 2011 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 38-сон, 392-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 28 июлдаги 22/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-7, 2012 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 362-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-8, 2014 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 205-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-9, 2015 йил 9 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 6-сон, 73-модда).

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-10, 2015 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 37-сон, 493-модда).

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 майдаги 15/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-11, 2016 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 294-модда).

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 4 мартдаги 4/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-12, 2017 йил 24 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 192-модда).

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/13-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-13, 2017 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 10/17/1948-13/0089-сон).

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган



банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-14, 2018 йил 17 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 10/18/1948-14/0583-сон).

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-15, 2018 йил 9 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2018 й., 10/18/1948-15/1688-сон).

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/8-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-16, 2018 йил 25 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2018 й., 10/18/1948-16/2099-сон).

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-17, 2019 йил 20 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й., 10/19/1948-17/2655-сон).

28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-18, 2019 йил 23 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.08.2019 й., 10/19/1948-18/3620-сон).

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1948-19, 2020 йил 10 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/1948-19/0148-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**46** Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 18/5-сон қарори (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2020 й., 10/20/3281/1242-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 январь,  
30/35-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
4 январдаги 30/35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси резидентлари (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади) ва норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) томонидан валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.»

2. Қуйидаги мазмундаги 19<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 февралда эълон қилинган.

«19<sup>1</sup>. Крипто-биржа иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига уларнинг хориждаги ҳисобварақларидан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмга нисбатан расмий курслари белгиланадиган чет эл валюталарида) маблағлар ҳамда крипто-биржада крипто-активларни сотишдан тушган маблағлар киритилиши мумкин.

Ушбу маблағлар крипто-активларни сотиб олиш учун крипто-биржага ҳамда мазкур норезидент юридик шахсларнинг хориждаги (маблағлар келиб тушган давлатдаги) ўз ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

Крипто-биржа иштирокчилари бўлган норезидент юридик шахсларнинг ҳисобварағига келиб тушган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Тижорат банклари, мазкур ҳисобварақлар орқали ўтказиладиган операцияларни амалга оширишда мавжуд рискларни баҳолаган ҳолда, ушбу операциялар жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари доирасида бўлишини таъминлайди.»

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 6 февралдаги 2-мҳ-сон «Патент эгасининг очик лицензияга ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш ва ушбу ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3418.***

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 34-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ шубҳали операциялар ҳақидаги хабар ва унга илова қилинадиган маълумотларнинг намунавий шакли ҳамда ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3419.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/18-сон «Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/35-сон «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-2.***